ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1206-1211

АЁЛ ЖАСОРАТ ВА БУЮКЛИК ТИМСОЛИ

Гулчехра Салайдиновна Рахмонова
Чирчиқ давлат педагогика инсититути ўқитувчиси

АННОТАТЦИЯ

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега баҳор фаслини аёлларга қиёслашади? Мафтункорлигу гўзалликни ўзида жамлагани учунми? Шу фаслнинг об-ҳавосидек ўзгарувчан атворга эгалиги боисдир балки? Аёллар байрами баҳорнинг илк тароватли кунларида нишонлангани учундир? Не бўлганда ҳам аёл ҳусну латофатини баҳор гулларига, феъл-атворини эса об-ҳавосига қиёс этиш мумкин. Шу ўринда бир савол пайдо бўлди. Аёлнинг эгилса-да, букилса-да синмас иродаси, метин матонатини нимага менгзасак бўлади? Келинг, шу саволга бирга жавоб излаймиз. Тасаввур қилинг, кўмир конида пайдо бўлиб қолдингиз ва кўмирлар орасида базўр кўринаётган нарсага кўзингиз тушди. То уни қўлга олиб, артиб, тозалаб кўрмагунингизча уларнинг оппоқ дурлар эканлигига ишона олмайсиз. Уларнинг нима учун денгиз тубида эмас, кўмирлар орасида қорайиб ётганига ҳайрон бўласиз. Тарихга эътибор берадиган бўлсак, ҳар бир буюк шахс ортида аёл сиймоси турганини кўрамиз. Чунки бутун бир миллатни аёл дунёга келтиради, аёл тарбиялайди.Матонатли бу аёллар орасида узоқ умр кўриб, қийинчиликлар олдида қаддини букмай мардона курашганлар ва алалоқибат ёруғ кунларга етиб келганларни тушинамиз. Авлодлар давомийлигини таъминлаш, фарзандлар тарбияси, рўзғор ишлари аёллар зиммасида. Қадим момоларимизнинг зукколиги, билимдонлиги сабаб Беруний, Ибн Сино, Имом ал-Бухорийдек буюк зотлар вояга етган. Аслида, оилани ҳам, жамиятни ҳам бирлаштириб катта кучга айлантира оладиган зот бу аёллардир Аёл ким? Бироз жумбоқли савол-а? Аёлнинг ўзи ҳам тушунмас сирли олами, нозик қалби бизни ҳайратда қолдиради. Аёл бир зумда қушдек чақнаса, бирпасда англаб бўлмайдиган тушкунлик қуршовида қолади.

Калит сўзлар: Табиий-биологик, Шариат, Матриархат, Аёл сиёсатчилар**,** биологик-генетик**,** тарихга назар, миллат келажаги, оиладаги мавқе, жасорат, фарзандлар тарбияси.